

# Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг мазмун- моҳиятини тушунтириш





**КОНСТИТУЦИЯ - ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЕТИМИЗ, МАМЛАКАТИМИЗНИ  
ЯНАДА ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИДИР.**

**Президент Шавкат Мирзиёев**

«1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор».

# Конституция нима?

- **КОНСТИТУЦИЯ** (лот. *constitutio* — тузилиш, тузук) — давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади.
- Конституция давлатчилик белгисидир.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

1. 1990 йил март ойида - Республиканинг янги Конституциясини ишлаб-чиқиш зурурлиги тўғрисидаги ғоя янграган эди (Олий Кенгашнинг XII чақириқда).
2. 1990 йил июнь ойида - Конституциявий комиссия ташкил этилди
3. 1991 йил апрель ойида - Конституция лойиҳасини ишлаб чиқишишчи учун гуруҳи тузилди
4. 1992 йил сентябрь ва ноябрь ойларида – референдум (Конституция лойиҳаси икки мартаба умумхалқ муҳокамасига қуйилди).



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ўн иккинчи чақриқ  
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи  
сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

# Мамлакат Конституциясига ҳозирги кунга қадар 14 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган:

- **1993** йил 28 декабрда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 77-моддаси 1-қисмидаги
- **2002** йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Конституциянинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган;
- **2007** йил 11 апрелдаги Қонун билан Конституциянинг 89-моддасига, 93- моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига тузатишлар киритилган;
- **2008** йил 25 декабрда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 77-моддаси биринчи қисмига ўзгартиш киритилган;
- **2011** йил 18 апрелда қабул қилинган Қонун билан Конституциясининг 78, 80, 93, 96, 98-моддаларига ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;
- **2011** йил 12 декабрда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 90-моддаси иккинчи қисмига тузатиш киритилган;
- **2014** йил 16 апрелда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 32, 78, 93, 98, 103, 117-моддаларига ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;
- **2017** йил 6 апрелда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 80, 81, 83, 93, 107, 110, 111-моддаларига ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;
- **2017** йил 31 майда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 80, 93, 108, 109-моддаларига ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;
- **2017** йил 29 августда қабул қилинган Қонун билан Конституциянинг 99, 102-моддаларига ўзгартиш, қўшимчалар киритилган;
- **2018** йил 15 октябрда қабул қилинган Қонун билан 105-модданинг биринчи қисмидаги “икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) унинг маслаҳатчиларини” деган сўзлар “раисни (оқсоқолни)” деган сўзлар билан алмаштирилган;
- **2019** йил 18 февралда қабул қилинган Қонун билан 80, 93-моддаларига ўзгартириш киритилиб, Миллий хавфсизлик хизмати Давлат хавфсизлик хизмати деб юритила бошланди;
- **2019** йил 5 мартда қабул қилинган Қонунга асосан 79, 93, 98-моддаларга ўзгартиришлар киритилган;
- **2019** йил 4 сентябрда қабул қилинган Қонунга асосан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан 96, 117-моддаларга ўзгартиришлар киритилди.

# Конституция нимадан иборат?

- Муқаддима
- 6та бўлим
- 26та боб
- 128 та моддалардан иборат



# Конституциянинг бўлимлари

- Асосий принциплар
- Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари
- Жамият ва шахс
- Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши
- Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши
- Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби



# Асосий принциплар

- **Давлат суверенитети**
- **Халқ ҳокимиятчилиги**
- **Конституция ва қонуннинг устунлиги**
- **Ташқи сиёсат**



# ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

- Умумий қоидалар
- Фуқаролик
- Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар
- Сиёсий ҳуқуқлар
- Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар
- Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари
- Фуқароларнинг бурчлари

## Жамият ва шахс

- Жамиятнинг иқтисодий негизлари
- Оила
- Оммавий ахборот воситалари

## Маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши

- Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши
- Қорақалпоғистон Республикаси

# Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти
- Вазирлар Маҳкамаси
- Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари
- Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти
- Сайлов тизими
- Прокуратура
- Молия ва кредит
- Мудофаа ва хавфсизлик



# Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида  $\frac{2}{3}$  қисмидан иборат кўпчилиги томонидан қабул қилинган қонун ёки Ўзбекистон Республикасининг референдуми билан киритилади.
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тегишли таклиф киритилгандан кейин олти ой мобайнида Конституцияга ўзгартиришлар ҳамда тuzатишлар киритиш тўғрисида кенг ва ҳар тарафлама муҳокамани ҳисобга олган ҳолда қонун қабул қилиши мумкин.
- Агар Олий Мажлис Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги таклифни рад этса, таклиф бир йил ўтгандан кейингина қайта киритилиши мумкин.



Эътиборингиз учун рахмат!